

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФАОЛ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ

Собиров Отабек Қодирович

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим даргоҳларида хорижий тилларни ўргатишда талабаларнинг мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш баён қилинган.

Калит сўзлар. Ислохат, тизим, сиёсат, шахс, давлат, жамият, фан, тушуниш ва таҳлил қилиш.

THE IMPORTANCE OF USING ACTIVE LEARNING METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES AT UNIVERSITIES

Sobirov Otabek Qadirovich

Senior teacher at Andijan State University

Annotation. Teaching English is explained to the students for studying foreign languages according to the specialty at the higher educational institutions in this article.

Key words. Reform, system, politics, individual, state, society, science, understanding and analysis.

ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ В ВУЗЕ

Собиров Отабек Қодирович

Старший преподаватель Андижанского государственного университета

Аннотация. В этой статье рассматриваются вопросы обучения студентов высших учебных заведений иностранным языкам исходя из их специальности.

Ключевые слова. Реформа, система, политика, личность, государство, общество, наука, понимание и анализ.

Мустақил Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш, уни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди ва шу мақсадда кенг кўламли ислохотларни амалга оширишни ижтимоий мақсад этиб белгилайди. Таълим тизимида

ислохотларни амалга оширишдан кўзланган мақсад мустакил фикрга эга, шунингдек мавжуд мураккаб шароитда ҳаёт муаммоларини ҳал этишга қодир шахсни шакллантиришдан иборатдир. Шахс манфаатлари, шахс, давлат ва жамият, фан, ишлаб чиқариш компонентларини ўз таркибига олган кадрлар тайёрлаш миллий модулига асосланган шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишда илғор технологияларни қўллаш, миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш, уларни мазмунини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш таълим жараёнини ижтимоийлаштириш - баркамол шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Келажаги буюк бўлган ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора ўсиб бораётган халқаро алоқалар, савдо-сотик, туризм ва мамлакатлар ўртасидаги маданий ва иктисодий алоқалар ривожланаётиб, мустахкамланиб бораётган ҳозирги кунда унинг келажагини яратувчи ва белгиловчи баркамол авлодга, ёшларга хорижий тилларни пухта ўргатиш ва хорижликлар билан бевосита мулоқот давомида ўзига тааллуқли, яъни касбига алоқадор бўлган масалаларни эркин муҳокама қила олиш, оғзаки ёки ёзма шаклда мулоқот қилишни ўргатиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кун талаби билан педагогик таълим бериш усул ва воситалари кескин ўзгариб бормоқда, яъни олий таълим даргоҳларида хорижий тилларни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар замонавий педагогик технология ҳамда ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу кунларда таълим беришнинг фақат анънавий усулларини қўллаш билан самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

Хорижий тилларни ўқитишда ўқитувчилар ўз олдига аниқ мақсад қўйиб олиши ва дарс бошланишиданок талабалар билан “Тил мухити”ни ярата олиши лозим. Талабалар билан “тил мухити”ни юртимиз ва хориж янгиликлари ҳамда институт ёки университетда бўлиб ўтаётган маънавий ва маърифий тадбирлар, шунингдек, уларни севиб ўқиган китоб ва асарлари ҳақида қисқача суҳбат ўтказиш билан бир қаторда, суҳбатига доир муаммоли саволлар билан мурожаат қилиш орқали ҳам яратиш мумкин.

Бугунги кунда олий таълим даргоҳларида хорижий тилларни ўргатишда энг фаол ва қулай усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Шундай усуллар: эшитиш (listening)-бирор соҳага алоқадор бўлган видео ва аудиоларни талабаларга тинглатиш орқали унинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш; гапириш (speaking)-танланган мавзунинг тушунган жойларини талабалардан сўраш ва ўз фикрини ҳам қушиб гапиртириш орқали талаффуз ва мулоқотга кириша олиш қобилиятини ўстириш; ўқиш (reading)-танланган мавзунини талабаларга ўқитиш орқали грамматик қоидаларни ўзлаштириш ва таҳлил қилиши ҳамда нутқ равллиги қобилиятини шакллантириш; ёзиш (writing)-тингланган мавзу асосида талабалардан иншо ёздириш орқали сўз ва гапларни хотирада сақлаб қолиш қобилиятини шакллантириш лозим.

Ўқув жараёнини энг фаол таълим усулларида фойдаланган ҳолда ташкил этиш талабаларнинг хорижий тилларни мукамал эгаллашлари ўқув материалларини ўзлаштиришлари юқори бўлишини таъминлаш билан бирга ҳар бир мавзунини ўрганиш, олий таълим даргоҳларида мухассисликларига оид манбаларга таяниб ўтилиши лозим. "Бугунги кун ёш кадрлари учун хорижий тилни билиш нихоятда аҳамиятли бўлганлиги боис ҳозирги илм-фан техниканинг жадал ривожланиши ва технологияларнинг четдан кириб келиши ҳар томонлама мукамал ва пухта билимли мутахассис бўлишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. С.С. Кашляв. Интерактивные методы обучения. Учебно-методическое пособие. - Минск: 2013.
2. Беспярых М. В. Английский язык МБОУ «СОШ № 8» г. Ханты-Мансийск, ХМАО- Югра, Просвещение, 2012.
3. Беляков Е.В. Понятие информационно-коммуникационных технологий и их роль в образовательном процессе //Литература в школе. - 2008.-№ 3.- С. 28-31.